# XALQ DEPUTATLARI YUQORI CHIRCHIQ TUMAN KENGASHINING
# Q A R O R I

2022 - yil 28 - sentabr VI-55-76-10-145-K/22 Yuqorichirchiq tuman hokimligi

**O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 13 apreldagi PQ-5072-sonli va O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashinnig 2021 yil 22 apreldagi KQ-213-IV-sonli qaroriga asosan, hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishga qaratilgan jamoatchilik fikri asosida shakllangan va ovoz berish yakuniga ko‘ra “g‘olib” takliflarni tanlab olish hamda ularga mablag‘ yo‘naltirish to‘g‘risida**

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentinnig 2021 yil 13 apreldagi “Budjet jarayonida fuqarolarning faol ishtirokini ta’minlash bo‘yicha qo‘shimcha chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-5072-sonli va O‘zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashining 2021 yil 22 apreldagi KQ-213-IV-sonli hamda 2022 yil 20 sentyabrdagi KQ-406-IV-sonli qarorlarida belgilangan vazifalarning ijrosini tizimli ravishda tashkil etish maqsadida yuqoridagi qarorlardan kelib chiqqan holda, Xalq deputatlari tuman Kengashi

**Q A R O R Q I L A D I:**

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 13 apreldagi “Budjet jarayonida fuqarolarning faol ishtirokini ta’minlash bo’yicha qo’shimcha chora-tadbirlar to’g’risida”gi PQ-5072-sonli, O’zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati Kengashining 2021 yil 22 apreldagi KQ-213-IV-sonli hamda 2022 yil 20 sentyabrdagi “Tuman (shahar) budjetlari mablag'larini jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarga yo’naltirish tartibi to’g’risidagi namunaviy nizomga o’zgartirish va qo’shimchalar kiritish haqida”gi KQ-406-IV-sonli qarorlari ma’lumot va ijro uchun qabul qilinsin.

2. Tuman bo’yicha 2022 yilda 2 mavsum jamoatchilik fikri asosida shakllangan tadbirlarni moliyalashtirish bo’yicha tanlov g’oliblari manzilli ro’yhati ilovaga muvofiq tasdiqlansin.

3. Komissiya a’zolari o’z xulosalariga asosan, Moliya Vazirligining 2021 yil 6 sentyabrdagi WV82767631-sonli xatining ilovasiga muvofiq tuman fuqarolari tomonidan bildirilgan takliflar asosida g’oliblarni aniqlash bo’yicha berilgan

qo'llanma talablari asosida, eng ko'p ovoz olgan, 3 ta takliflar;

Jumladan;

*1-taklif* **5 415 ta** ovoz to'plagan,(ID:1920600064), Yuqori Chirchiq tumani Nurli yo'l MFYda To'qimboy 1 va 3 chi tor ko'chasiga 300,0 m, Chegara ko'chasiga 400,0 m, Samsarak ko'chasiga 450,0 m, Marvarid ko'chasiga 350,0 m, Yangi maqsad ko'chasiga 1100,0 m, Xonariq ko'chasiga 210,0 m, va Javoxir ko'chasiga 550,0 m joyga asfalt yotqizish taklifi. Taklif qiymati **1 200,0 mln.so'm,**

*2-taklif* **5 283 ta** ovoz to'plagan, (ID:1920600124) Yuqori Chirchiq tumani Qangli MFY xududida joylashgan №22 sonli umumiy o'rta ta'lim maktabning 1 ga yer maydonidagi sport majmuasini ta'mirlash atrofini zamonaviy to'siqlar bilan o'rash, tomoshabinlar o'tirishga o'rindiqlar o'rnatish va aylana yugurish yo'lakchalarini qurish, zamonaviy kichik futbol maydonchasi, Voleybol va Basketbol maydonlarini tashkil etish taklifi. Taklif qiymati **1 200,0 mln.so'm,**

*3-taklif* **3 396 ta** ovoz to'plagan, (ID:1920600090) Yuqori Chirchiq tumani Taraqqiyot MFY Yanginur ko'chasini 300,0 m, Oromgoh ko'chasini 1000,0 m, Ezgulik ko'chasini 400,0 m, Sayilgoh ko'chasini 200,0 m, Lolazor ko'chasini 400,0 m, Muvozanat ko'chasini 200,0 m qismiga asfalt yotqizish taklifi. Taklif qiymati **1 200,0 mln.so'm**,

Yuqoridagilarga asosan tuman bo'yicha g'olib deb topilgan 3 ta umumiy qiymati **3 600,0 mln.so'm** bo'lgan takliflar tasdiqlangan manzilli ro'yxati ijro uchun qabul qilinsin va talab etiladigan mablag' belgilangan tartibda yo'naltirilishi belgilansin.

4. Tasdiqlangan manzilli ro'yxat asosida:

Tuman Moliya bo'limi (B.Ibragimov) va tuman G'aznachilik bo'linmasi (A.Mirzakulov) ushbu qarorga muvofiq "g'olib" deb topilgan takliflarga, jamg'arma mablag'lari hisobidan tegishli buyurtmachi tashkilotlarda ochilgan mahsus xisob raqamiga mablag'lar yo'naltirilsin.

5. Tuman hokimining qurilish masalalari bo'yicha o'rinbosari (Sh.Xudaybergenov) hamda buyurtmachi tashkilotlar, belgilangan tartibda qurilish va ta'mirlashga oid tender tanlovlarini tezkorlikda odilona o'tkazilishini tashkillashtirsin.

6. Buyurtmachi tashkilotlar ajratilgan mablag'larni loyixa-smeta hujjatlari asosida belgilangan tartibda maqsadli ishlatilishi va amalga oshirilgan ishlar bo'yicha Xalq deputatlari tuman Kengashi hamda tuman hokimligi huzuridagi ishchi guruxiga ma'lumot kiritib borilishini ta'minlasin.

7. Tuman axborot xizmati (U.Qodirova ) har chorak yakuni bilan keyingi oyning 25 sanasiga qadar jamoatchilik fikri asosida shakllangan tadbirlarni moliyalashtirish to'g'risidagi hisobotlarni tuman rasmiy veb saytiga joylashtirib borilishini ta'minlasin.

8. Mazkur karor ijrosini nazorat qilish, Xalq deputatlari tuman Kengashining

mahalliy budjetni shakllantirish va uni ijro etish, iqtisodiy isloxotlarni amalga oshirish tadbirkorlikni rivojlantirish masalalari bo'yicha doimiy komissiyasi hamda tuman hokimining birinchi o'rinbosari (A.Tastanbekov) zimmalariga yuklatilsin.

**Tuman hokimi** **U.Atemov**

Xalq deputatlari Yuqorichirchiq tuman Kengashining
2022 yil 28 sentabrdagi
VI-55-76-10-145-K/22-son qaroriga
1-ilova

**Yuqori Chirchiq tumani bo'yicha 2022 yil 2 mavsumda jamoatchilik fikri asosida shakllangan tadbirlarni moliyalashtirish bo'yicha**
**MANZILLI RO'YXAT**

*mln. so'mda*

| № | G'olib taklif ma'lumotlari | | | Amalga oshirishning aniqlangan qiymati | Xaqiqatda ajratilgan | Moliyalashtirish manbasi (FTJ, qo'shimcha manba, Budjet parametri) | Buyurtmachi tashkilot |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Taklif ID raqami | Qisqacha mazmuni | To'plagan ovozlari soni | | | | |
| "Fuqarolar tashabbusi jamgarmasi"da shakilangan mablag' | | | | | | x | x |
| 1 | 1920600064 | Toshkent viloyati Yuqori Chirchiq tumani Nurli yo'l MFYda 2022 yil obod qishloq dasturiga kirmagan ko'chalar bular To'qimboy 1 va 3 chi tor ko'chasiga 300 m, Chegara ko'chasiga 400 m, Samsarak ko'chasiga 450 m, Marvarid ko'chasiga 350 m, Yangi maqsad ko'chasiga 1100 m, Xonariq ko'chasiga 210 m, va Javoxir 550 metr joyga asfalt yotqizish kerak | 5 415 | 1 200,0 | 1 200,0 | Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi | Tuman Obodonlashtirish boshqarmasi |
| 2 | 1920600124 | Toshkent viloyati Yuqori Chirchiq tumani Kangli MFY xududida joylashgan №22 sonli urta maktabning 1 ga yer maydonidagi sport majmuasini ta'mirlash atrofini zamonaviy to'siqlar bilan o'rash, tomoshabinlar o'tirishga o'rindiqlar o'rnatish va aylana yugurish yo'lakchalarini qurish, zamonaviy kichik futbol maydonchasi, va Voleybol va Basketbol maydonlarini tashkil etish. | 5 283 | 1 200,0 | 1 200,0 | Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi | Tuman Xalq ta'lim bo'limi |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 3 | 1920600090 | Toshkent viloyati Yuqori Chirchiq tumani Taraqqiyot MFY Yanginur ko'chasi 300 metr, , Oromgoh ko'chasi 1000metr, Ezgulik ko'chasi 400 metr, Sayilgoh ko'chasi 200 metr, Lolazor ko'chasi 400 metr; Muvozanat ko'chasi 200 metr asfalt qilish | 3 396 | 1 200,0 | 1 200,0 | Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi | Tuman Obodonlashtirish boshqarmasi |
| **G'olib takliflarga jami ajratilgan mablag'** | | | | | **3 600,0** | x | x |
| **Taqsimlanmagan mablag'** | | | | | **239,8** | x | x |

**«ТАСДИҚЛАЙМАН »**
Танлов комиссиясининг раиси,
Юқори Чирчиқ тумани
Ободонлаштириш Бошқармаси
Бошлиги С.Якубходжаев
2022 йил "30" Сентябрь

**2022 йил " OPEN бюджет " дастури бўйича Юқори Чичриқ тумани Нурли Йўл МФЙ да Тўқимбой 1 ва 3 чи тор кўчасига 300.0 м, Чегара кўчасига 400.0 м, Самсарак кўчаси 450.0 м, Марварид кўчаси 350.0 м, Янги мақсад кўчаси 1100.0 м, Хонариқ кўчаси 210.0м ва Жавохир кўчаси 550.0 м қисмини асфальт ёткaзиш лоиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича.**

**Лойихачи ташкилотни танлаб олиш учун**

**ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ**

**Юқори Чирчиқ тумани – 2022**

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**
**II. Техник қисм**
**III. Нархлар қисми**

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ
2.

1. Танлов предмети: **Юқори Чичриқ тумани Нурли Йўл МФЙ да Тўқимбой 1 ва 3 чи тор кўчасига 300.0 м, Чегара кўчасига 400.0 м, Самсарак кўчаси 450.0 м, Марварид кўчаси 350.0 м, Янги мақсад кўчаси 1100.0 м, Хонариқ кўчаси 210.0м ва Жавохир кўчаси 550.0 м қисмини асфальт ётказиш лоиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиш.**

1.2. Танлов охирги қиймати) сўм . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан пудратчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 60 календар кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.
2.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани Ободонлаштириш Бошкармаси**, (бундан кейин-"Буюртмачи" деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

"Буюртмачи" манзили: Юқори Чирчиқ тумани Янгибозор қ.А.Тўқай 5 уй

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов _______________________________________- "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

- корхона ишчи ходимларининг малакали мутахассисларга эга эканлиги ҳамда танлов предметиининг қиймати ва хафв-хатар тоифасига қараб соҳавий электрон рейтингда ижобий кўрсаткичга эга бўлганлиги;
- солиқ ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорликларнинг мавжуд эмаслиги молиявий барқарорлиги бўйича баланс хисоботлари охирги уч йиллик;
- асосий ва иккиламчи ҳисобварағидаги 2-сон картотека қарздорлигининг мажуд эмаслиги, ўз балансидаги асосий фондларга, мулкларга тақиқ қўйилмаганлиги, танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси;
- танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
- пудрат ташкилотининг техникаси ва кичик механизмлари бўйича умумий маълумотлар. *(шакллар намунаси)

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАКДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (етендер.узех.уз) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштиришли лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

● Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

● Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган ҳолда ёки хар бир варағини мухрлаб тасдиқланган ҳолда такдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

● Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.**(иловалар намунаси)

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг

қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

**6. БОШҚА ШАРТЛАР**

6.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

6.6 Энг яхши таклифларни танлаш коиссияси барча объектларни ва танлаш хужатларида кўрсатилган таклифларни ўрганадилар.

6.7 Энг яхши таклифларни берган пудратчи ташкилоти ишчи грухи ва буюртмачи ташкилот томонидан бирктирилган ходим хар бир объект ўрганиб чиқиши шарт.

**1 – ШАКЛ***

## ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

Танлов иштирокчисининг номи ________________________________________________
Танлов иштирокчиси раҳбарнинг фамилияси, исми ва отасининг исми ________________________________________________Манзили ва телефон (факс) рақами ________________________________Юридик мақоми _________________Тузилган санаси (ким томонидан, берилган ордер ёки буйруқ рақами) __________________Асосий фаолият тури (статистика идораси коди бўйича) ________________________________

**Раҳбар ва унинг ўринбосарлари:**

| Т/р | Ф.И.О. | Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси) | Қурилишдаги иш тажрибаси (йил) | Эгаллаган лавозими | Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | | | | | |
| | | | | | |

**Асосий ходимлар** (участка, бўлим бошлиқлари, иш юритувчи, уста, ишлаб чиқариш бўлими муҳандислари ва бошқалар)

| Т/р | Ф.И.О. | Маълумоти (таълим муассасаси, мутахассислиги, диплом рақами ва берилган санаси) | Қурилишда иш тажрибаси (йил) | Участка (бўлим) номи, эгаллаган лавозими | Эгаллаган лавозимида иш тажрибаси (йил) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | | | | | |
| | | | | | |

**Доимий ишчи ходимлар (ишчилар)**

| Т/р | Мутахассисликлар номи | Жами сони, шу жумладан мутахассисликлар ва разрядлар бўйича | Улардан (3-устундан) малакасини тасдиқловчи ҳужжати борлар | Улардан (4-устундан) қурилишда 10 йилдан кам бўлмаган иш тажрибаси борлар |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| | Жами | | | |
| | Шу жумладан: | | | |
| | Бетончилар _____ разрядли | | | |
| | Ғишт терувчилар ____ разрядли | | | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | Том қурувчилар _____ разрядли | | | |
| | Пайвандчилар _______ разрядли | | | |
| | Сантехниклар _______ разрядли | | | |
| | Дурадгорлар ______ разрядли | | | |
| | ва бошқалар | | | |

Кадрлар бўлими бошлиғи: /имзо ва муҳр/

Танлов иштирокчиси раҳбарининг имзоси:

Тузилган сана: "_____" __________ 20___ й.

**Изох:*Танлов иштирокчисининг кейинги 3 йилдаги статистика хисоботларининг нусхалари ҳамда ишчи ходимлар учун ушбу ташкилотда камида 1 йиллик доимий иш фаолиятини тасдиқловчи Аҳоли бандликга кўмаклашиш бўлими томонидан рўйхатдан ўтган электрон меҳнат дафтаридан нусха тақдим этилади.***

**2 – ШАКЛ***

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МОЛИЯВИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

*(Шаклга кейинги 3 йилдаги молиявий натижалар ва бухгалтерия баланслари ҳақидаги ҳисобот илова қилинади)*

_______________________________________________________________

*(танлов иштирокчисининг номи)*

| АКТИВЛАР | 2019 й | 2020 й | 2021 й | ПАССИВЛАР | 2019 й | 2020 й | 2021 й |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Узок муддатли активлар** | | | | **Ўз маблағлари манбаи** | | | |
| Асосий воситалар | | | | Устав фонди | | | |
| Шундан<br>Ишлаб чиқариш фондлари | | | | Тақсимланмаган фойда | | | |
| Қолдиқ қиймат | | | | **Мажбуриятлар** | | | |
| Капитал қуйилмалар | | | | Займлар | | | |
| Тугалланмаган ишлаб чиқариш | | | | Кредитор қарздорлик | | | |
| **Жорий активлар** | | | | Шундан муддати ўтган қарздорлик | | | |
| Айланма маблағлар | | | | Шундан бюджетдан қарздорлик | | | |
| Улардан ишлаб чиқариш захиралари | | | | Шундан<br>иш ҳақидан қарздорлик | | | |
| Дебитор қарздорлик | | | | | | | |
| Шундан муддати ўтган карздорлик | | | | | | | |
| Жами баланс<br>активи бўйича | | | | Жами баланс<br>пассиви бўйича | | | |

## МОЛИЯВИЙ НАТИЖА

| Номи | 2019 й | 2020 й | 2021 й | Номи | 2019 й | 2020 й | 2021 й |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. Реализациядан олинган тушум | | | | 8. Соф фойда | | | |
| 2. Реализациядан олинган соф тушум | | | | Шундан асосий фаолият бўйича | | | |
| 3. Реализация килинган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи | | | | Умумхўжалик фаолият бўйича | | | |
| 4. Маъмурий харажатлар | | | | 9. Асосий фаолиятдан олинган фойда | | | |
| 5. Бошқа харажатлар | | | | 10. Умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда | | | |
| 6. Даромад солиғи тўловигача фойда | | | | 11. Зарар | | | |
| | | | | шундан<br>асосий фаолиятдан | | | |
| 7. Даромад солиғи | | | | | | | |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | умумхўжалик фаолиятдан | | | |

Баланс фойдаси ___________________________________________________________

Охирги 3 йилда банкротлик ёки тўлов қобилиятсизлиги юзасидан суд иши олиб борилганми?

**Танлов иштирокчисининг салохияти (жумладан, тўловга қодирлиги ва айланма маблағлар билан таъминланганлиги) тўғрисида**
**маълумот**

| СТИР | Қурилиш ташкилоти тоифаси | Ташкилот томонидан ўтган йил (20___ йил) якуни билан тақдим этилган бухгалтерия баланси (Ф-1) ҳисоботи кўрсаткичлари | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Асосий воситалар қолдиқ (баланс) қиймати Ф-1, 012-сатри | Тўловга қодирлик ёки қоплаш коэффициенти (1,25) =5/(6-7) | бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар | | | Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти (020) =(9+10+11-12)/13 | бухгалтерия баланси (Ф-1) бўйича кўрсаткичлар | | | | |
| | | | | 390-сатр | 770-сатр | 490-сатр | | 480-сатр | 570-сатр | 580-сатр | 130-сатр | 390-сатр |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 |
| | | | | | | | | | | | | |

Қоплаш коэффициенти (тўловга қодирлик) ташкилотнинг қисқа муддатли мажбуриятларининг тўлов имкониятларини кўрсатади, у фақат дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ва тайёр маҳсулотни қулай сотиш шартлари билангина эмас, балки жорий (айланма) активларнинг бошқа элементлари билан баҳоланади. Коэффициентнинг камайиши ташкилотнинг имкониятлари пасайганлигидан далолат беради.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{Кпл} = \frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{\text{А2}}{\text{П2 - ДО}}$$, бунда:

**А2** - жорий (айланма) активлар (ишлаб чиқариш захиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзи ва шу кабилар), баланс активининг II бўлими, 390-сатр;

**П2** - мажбуриятлар, баланс активининг II бўлими, 770-сатр;

**ДО** - узоқ муддатли мажбуриятлар (бухгалтерия балансининг 490-сатри).

Агар тўловга қодирлик коэффициенти ҳисобот даври охирида 1,25 дан паст қийматга эга бўлса, ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича тўловга қодир эмас деб ҳисобланади.

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти ташкилотнинг молиявий барқарорлиги учун зарур бўлган унинг ўз айланма маблағлари мавжудлигини, ташкилот мулкдорлари ва кредиторлар манфаатларининг нисбатини ифодалайди.

ташкилотнинг имкониятлари пасайганлигидан далолат беради.

Коэффициент қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Кос} = \frac{\text{(П1 + Дзк2) - А1}}{\text{А2}}$$, бунда:

**А1** - узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, номоддий активлар, капитал қуйилмалар ва шу кабилар), баланс активининг I бўлими, 130-сатр;

**П1** - ўз манбалари маблағлари (устав капитали, захира капитал, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва шу кабилар), баланс пассивининг I бўлимининг якуни, 480-сатр;

**Дзк2** - узоқ муддатли активларни сотиб олишга йўналтирилган узоқ муддатли қарзлар ва кредитлар (бухгалтерия балансининг 570 ва 580-сатрларидан ҳисоблаб чиқиш йўли билан).

Ушбу касрнинг сурати ташкилот ўз маблағларининг канча суммаси айланмага йўналтирилганлигини, махраж - барча айланма маблағлар суммасини кўрсатади. Ушбу коэффициентнинг энг кам қиймати - 0,2.

Агар ҳисобот даври охирида ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 дан кам қийматга эга бўлса, у ҳолда ташкилот ушбу кўрсаткич бўйича ўз айланма маблағлари билан таъминланмаган деб ҳисобланади.

Раҳбар ______________________ Бош ҳисобчи ________________

мухр

Сана: «____»________________20__ й.

**Изоҳ**: ***Танлов иштирокчисининг кейинги 3 йилдаги молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлари таркибида аудитор компаниясиниг ижобий хулосасини тақдим этиши мумкин. Баланс ҳисоботларининг нусхалари тақдим этилиши шарт.***

**3 – ШАКЛ***

# БАНК КАФИЛЛИГИ

__________________________________________________________________________________,

(*иштирокчи ташкилотнинг номи*)

келгусида танлов иштирокчиси деб аталувчи, ______________________________________

_______________________________________________________ томонидан утказилаётган

(*буюртмачи ташкилотнинг номи*)

__________________________________________________________________________________

(*танлов предметининг номи*)

объект бўйича тендерда иштирок этиш учун ўз таклифини тақдим этганлигини инобатга олиб, ушбу билан маълум қилинадики,

__________________________________________________________________________________

(*банк манзили*)

манзил бўйича қайд этилган офисга эга, келгусида “Кафил” деб аталувчи

_____________________________________________________ танлов иштирокчиси олдида

(*банк номи*)

_____________________________________________________________________ миқдордаги

*(рақамда ва ёзув билан сумма ва валюта тури кўрсатилсин)*

мажбуриятини қабул қилади. Ушбу бўйича кўрсатилган тўлов танлов иштирокчисига у танлов ғолиби деб топилганида ҳамда буюртмачи ва пудратчи ўртасида шартнома имзоланганидан сўнг тўлалигича ва ўз вақтида ҳеч қандай қўшимча шартлар ва талабларсиз амалга оширилади.

Банк ушбу мажбуриятга ўз номи билан боғланган.

Кўрсатилган банкнинг мухри билан тасдиқланган.

Ушбу кафолат буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги шартнома (контракт) имзоланган кундан бошлаб __ кун давомида кучда қолади ва ушбу билан боғлик ҳар бир сўров юкорида кўрсатилган муддат ўтмасдан банкка тақдим этилиши керак.

**Бошқарувчи** _____________ _____________________

(*имзо*) (Ф.И.О.)

***Мухр ўрни***

**Бош ҳисобчи** _____________ _____________________

(*имзо*) (Ф.И.О.)

**Сана “____”,______________ 20___ йил.**

**Изоҳ:** ушбу берилган кафиллик банк муассасасининг идора бланкасида тақдим этилади.

***Банкнинг асосий ва иккиламчи ҳисобварағидаги 2-сон картотека қарздорлигининг мавжуд эмаслиги, (туман ёки вилоят бўлимининг) кафиллигида юқори турувчи банк ёки кредит қўмитаси билан келишилган (рақам…сана…рахбарнинг Ф.И.О.) бор лимитлар ва кредит ресурслар тасдиғи мавжудлигини ҳисобга олиш зарур.***

**4 - ШАКЛ ***

# ТАНЛОВДАГИ ОБЪЕКТГА ЎХШАШ ОБЪЕКТЛАРДА ОХИРГИ УЧ ЙИЛЛИК ИШ ТАЖРИБАСИ

_______________________________________________

*(танлов иштирокчисининг номи)*

| Т/р | Объект номи, пудрат шартномаси суммаси, ишларнинг бошланиш ва якунланиш санаси | Буюртмачи номи | Бажарилган ишлар суммаси | Шундан йиллар бўйича | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | 2019 й. | 2020 й. | 2021 й. |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | Жами: | | | | | |

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _______________

Тузилган санаси: “_____” ___________ 20__ й.

Тасдиқланган: _________________________________

*(бош ҳисобчи имзоси)*

**Изоҳ:** ***Маълумотлар Танлов иштирокчиси томонидан хар бир объект бўйича ишлар тури бўйича мустақил тўлдирилади ва бажарилган ишлар далолатномаларининг нусхалари билан тасдиқланади.***

**5 – ШАКЛ***

## ИШЛАРНИ БАЖАРИШДА ФОЙДАЛАНАДИГАН ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИНИНГ МАШИНА ВА МЕХАНИЗМЛАРИ РЎЙХАТИ

| **Т/р** | **Номи** | **Маркаси** | **Сони** | **Ишлаб чиқарилган йили** | **Қуввати** | **Техник ҳолати** | **Балансида ёки ижарада** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **1** | **2** | **3** | **4** | **5** | **6** | **7** | **8** |
| ҚУРИЛИШ ТЕХНИКАЛАРИ | | | | | | | |
| 1 | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | |
| 4 | | | | | | | |
| 5 | | | | | | | |
| 6 | | | | | | | |
| | Ҳаммаси | | | | | | |
| | КИЧИК МЕХАНИЗМЛАР | | | | | | |
| 1 | | | | | | | |
| 2 | | | | | | | |
| 3 | | | | | | | |
| 4 | | | | | | | |
| 5 | | | | | | | |
| 6 | | | | | | | |
| | Ҳаммаси | | | | | | |

Ташкилот раҳбарининг имзоси: ________________

Тузилган санаси: “_____” __________ 20__ й.

**Изоҳлар:**

*1. 8 устунга қурилиш техникасининг танлов иштирокчиси балансида эканлиги ёки ижарага олинганлиги тўғрисидаги маълумот киритилади.*

*2. Ижара ва лизинг асосидаги техника ижарага олинганда ижарага берувчининг кафолат хати, лизинг шарномасининг нусхаси тақдим этилади (шартнома лойиҳани бажариш даври мобайнида ҳақиқий бўлиши керак).*

**НАМУНА** 1 - ИЛОВА **

______________________________________________________________________

*(буюртмачининг номи)*

## ЛОЙИҲАНИ БАЖАРИШ Б У Ю Р Т М А Н О М А С И

______________________________________________________________________

*(объект номи)*

1. Биз, қуйида имзо чекувчилар, юқорида айтилган ишларни бажариш майдончасини кўздан кечириб, умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат танлов ҳужжатларини ўрганиб, юқорида кўрсатилган ҳужжатларга мувофиқ

______________________________________________________________________

*(рақамда ва ёзув билан сумма, қўшилган қиймат солиғи билан)*

сўмга айтилган барча ишларни (қурилиш ишларининг камида 50 %ини ўз кучимиз билан) бажариш ва якунлашни ҳамда улардаги топилган дефектларни белгиланган муддатда тузатишни таклиф этамиз.

2. Бизнинг таклифимиз қабул қилинган ҳолда, буюртмачидан ишга киришиш ҳақидаги ёзма хабарномани олган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида ишларни бажаришга киришиш ва ишларни бажаришни бошланишидан эътиборан ______________ **кун** мобайнида уларни якунлаш мажбуриятини оламиз.

3. Бизнинг таклифимиз танлов таклифлари очилган кундан бошлаб ________________ *(рақам ва ёзув билан)* календар кун мобайнида амал қилади.

4. Шартнома тузилгунга қадар мазкур танлов таклифи унинг қабул қилинганлиги ҳақидаги ёзма хабарнома билан бирга орамиздаги юридик мажбурият ҳисобланади.

5. Таклиф қабул қилинганлиги тўғрисидаги Биз олган хабарнома, Бизни Сиз билан расмий шартнома тузишга мажбурият юклашини ва Биз унинг ижросини таъминлашимизни тасдиқлаймиз.

6. Буюртмачи ва танлов комиссияси тақдим этилган таклифлардан энг паст нарх таклифини қабул қилишга мажбур эмаслигига розилик билдирамиз.

7. Танлов Танлов иштирокчисиларига жўнатилган ______ сон хабарномалар Биз томондан ҳисобга олинган.

8. Қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий химояси ва техник хафсизлигини таъминлаймиз.

9. Буюртмачи билан ўзаро ҳисоб-китобларни танлов комиссиясининг мажлислари баённомалари билан тасдиқланган ва келгусида ўзгартирилмайдиган шартномавий нархда амалга ошириш мажбуриятини оламиз.

10. Шартнома мажбуриятларини бажарилиши ҳақидаги мониторинг маълумотларини Қурилиш вазирлигининг вилоят танлов савдоларини ўтказиш консалтинг марказига, белгиланган шаклда, ҳар ойнинг 2 санасига қадар, қурилишни олиб боришни бутун даври давомида тақдим этиб бориш кафолатини берамиз.

Ташкилот раҳбарининг имзоси: ________________

Тузилган санаси: “_____” ___________ 20___ й.

2 - ИЛОВА **

## ОБЪЕКТНИНГ ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШ ГРАФИГИ

______________________________________________

*(объект номи)*

| Т/р | Ишлар номланиши | Ишларни бошлаш санаси | Ишларни тугатиш санаси |
|---|---|---|---|
| 1 | | | |
| 2 | | | |
| 3 | | | |
| 4 | | | |
| | | | |

**Изоҳ:** ***Жадвалда ишларни умумий дастури (объектнинг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда) ва уларни бажариш муддатлари кўрсатилади. Қурилишнинг умумий жадвали пудратчининг ишларни ва маълум участкаларни белгиланган муддатда якунлаш ва қурилаётган объектда хавфсиз ва узлуксиз ишлар олиб бориш мажбуриятига таъсир кўрсатмаслиги керак.***

Ташкилот раҳбарининг имзоси: _______________

Тузилган санаси: "_____" ___________ 20___ й.

# ОБЪЕКТ ҚУРИЛИШИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ГРАФИГИ

______________________________________________

*(объект номи)*

**бўнак (аванс) тўлаш ва жорий молиялаштиришни ҳисобга олган ҳолда**

| Молиялаштириш шартлари | Қурилиш йиллари____________йил | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Қурилиш ойлари | | | | | | | | | | | |
| | Январь | Февраль | Март | Апрел | Май | Июнь | Июль | Август | Сентябрь | Октябрь | Ноябрь | Декабрь |
| ___ % ҳажмдаги бўнак | | | | | | | | | | | | |
| ____ % ҳажмда жорий молиялаштириш | | | | | | | | | | | | |
| **5 %** фойдаланишнинг кафолатли муддати тугагач. | | | | | | | | | | | | |

***<u>Кредит ёки ўз маблағларидан фойдаланиш – пудратчига ҳавола.</u>***

Ташкилот раҳбарининг имзоси: ________________

Тузилган санаси: "_____" ___________ 20___ й.

4 – ИЛОВА**

## ОБЪЕКТНИНГ ЖАМЛАНМА ЖАДВАЛИ

______________________________________________

*(объект номи)*

______________________________________________

*(танлов иштирокчиси номи)*

| Т/р | Харажатлар номи | Жорий нархлардаги қиймати |
|---|---|---|
| 1 | Қурилиш материаллари ва конструкциялари | |
| 2 | Жиҳозлар | |
| 3 | Машина ва механизмлар | |
| 4 | Иш ҳақи | |
| | Жами (ҚҚСсиз) | |
| | Бошқа харажатлар | |
| | ҚҚС | |
| | Жами ҚМИ қиймати | |

**Изоҳ:** *Мазкур жадвал буюртмачи ва танловнинг ғолиб ташкилоти ўртасида тузиладиган шартнома учун қўлланилади.*

## ОБЪЕКТДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШ ҲАЖМЛАРИ РЎЙХАТИ

(Ф-1-шакл)

| Т/р | Меъёрлар рақами шифри | Иш турлари | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа кўрсат-кичлари бўйича ишлари миқдори | Қиймати | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Бир-ликка | Жами |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | ЖАМИ: | | | | | |

**Изоҳ:** *Мазкур жадвалда танлов иштирокчиси ҳар бир иш тури бўйича бир бирлик иш ҳажмлари учун таклифида ресурсларни акс эттирмасдан тақдим қилади.*

## ОБЪЕКТ ҚУРИЛИШИНИНГ ШАРТНОМАВИЙ НАРХИНИ БЕЛГИЛАШДА ИШЛАТИЛГАН АСОСИЙ НАРХ ШАКЛЛАНТИРУВЧИ КОМПОНЕНТЛАРНИНГ НАРХЛАРИ

| Т/р | Компонент номи | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа кўрсат-кичлари бўйича миқдори | Бирлик учун нарх | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Меҳнат (иш кучи) харажатлари | | | | |
| 2. | Электроэнергия | | | | |
| 3. | Ёқилғи-мойлаш материаллари | | | | |
| 4. | Металл | | | | |
| 5. | Цемент | | | | |
| 6. | Қум | | | | |
| 7. | Йиғма темир-бетон маҳсулотлари | | | | |
| 8. | Ёғоч материаллари (пиломатериалы) | | | | |
| 9. | Ғишт (и/ч заводлар) | | | | |
| 10. | Бошқа материаллар | | | | |
| 11. | Таваккалчилик коэффициенти | | | | |

***Компонентлар сони чегараланмайди ва пудратчи томонидан танлов предметининг техник жиҳатларидан келиб чиқиб тўлдирилади. Бунда ҳар бир аниқ объект бўйича компонентлар ва асосий қурилиш материаллари номенклатураси объект қурилиши қийматини 100% ини ташкил қилувчи асосий нарх шакллантирувчи компонентларни ҳисобга олган ҳолда танланади.***

Ташкилот раҳбари: ____________________